

МАҚОМЛАР ТАРИХИ, НАЗАРИЯСИ ВА ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ

Бегматов Соибжон Махмудович

Ўзбек миллий мақом санъати маркази директори

Махмадалиев Зариф Абдузаффарович

Термиз давлат педагогика институти магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада ўзбек мумтоз мусиқасидаги мақом жанрининг ўрни ва аҳамияти, мақомчилик санъатининг ривожланиш босқичлари, етук хонандалар ва бастакорлар ижоди ҳамда репертуарлари, замонавий нота ёзувлари орқали нашр этилган тўпламлар сифати, уларни назарий ва амалий ўзлаштириш ишлари амалга ошириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: мумтоз мусиқа, мақом, жанр, мақомчилик санъати, хонанда, бастакор, ижод, репертуарлар, нота ёзувлари, бадиий-эстетик, маданият, товуш, туркумли жанр.

Асосий қисм

Маълумки, ўзбек мумтоз мусиқасида мақом жанри муҳим ўринни эгаллаб келади. Одатда мақомлар жуда қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданиятида мавжуд бўлган ва етук созанда ҳамда хонандалар, бастакорлар томонидан яратилган. Айниқса мақом IX-X асрларда ривожланиб бориб, янги воситалар билан бойитилди. “**Мақом**” сўзи аслида арабча “мақон” сўзидан олинган бўлиб, “**ўрин**”, “**жой**”, “**босқич**”, “**даража**” каби маъноларни англатади. Бу эса албатта ислом, адабиёт, тасаввуф илмий-амалий йўналишда ва бошқа соҳаларда ҳам кенг истеъмолда бўлиб, махсус ибора сифатида айнан мусиқа санъатида энг кўп ва хилма-хил маъноларда ишлатилади. Мусиқада “**мақом**” деганда куй товуш қаторларининг алоҳида мусиқа асари бочқичлари – **парда** тизимлари (лад бирликлари) **лад тизимлари**, алоҳида **мусиқа асари** (чолғу ёки ашула); **мусиқа тури** (жанри) – чолғу ва ашула асарларини бирлаштирувчи катта-кичик **туркумли жанр** деб тушуниш керак.

Мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирган бадиий жараён. Турли халқлар маданиятида “**мақом**” иборали асар ва туркумлар мавжуд бўлиб уларга: **мақом** (ўзбек ва тожикларда), **мугом** (озарбайжон), **муқом** (уйғурлар), **дастгоҳ** (эрон) **нўба** (мағриб) каби ибораларнинг вариантлари кенг тарқалган. Мақом йирик туркум

ва асар жанри сифатида мумтоз мусиқа тоифасига киради¹, ҳамда мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан мақом ўзининг бадий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асосларининг пухта ишланганлиги билан фарқ қилади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, ўзбек халқ мусиқаси ва унинг мумтоз намуналари бўлган мақомларни атрофлича илмий тадқиқ эта оладиган мусиқий шарқшунос олимларни етиштириш масаласи ўша 1920-йиллардаёқ ҳаётий заруратга айланган бўлсада, бироқ бу долзарб муаммо деярли 40 йилдан сўнг тўла-тўкис ҳолда ўз ечимини топди. Бунда, ҳеч муболагасиз. санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ризқиевич Ражабовнинг (1927 - 1982) илмий-ижодий фаолияти асосий ва ҳал этувчи ўрин тутган эди. Чунки айнан Исҳоқ Ражабов шахси тимсолида мазкур соҳа учун муҳим турли мутахассисликлар (мусиқашунос, манбашунос, филолог, шарқшунос) ўзаро уйғун намоён бўлди. Исҳоқ Ражабов бир томондан машҳур Ражабийлар сулоласининг ёрқин вакили. йирик мақомдон, танбур ва дутор созларида моҳир ижрочи бўлса, иккинчидап - олим форс-тожик тилини мукамал эгаллаган, мумтоз шеърят (аруз) қонун-қоидаларининг пухта билимдони ва айни вақтда ўтмишига оид араб имлосида битилган ёзма манбаларни, шу жумладан. мусиқий рисолаларни ўқиб, уларни юқори малакали даражада шарҳлай оладиган мутахассис эди. Олимнинг айниқса устозона мусиқанинг энг мураккаб ва мукамал тимсоли бўлган мақомлар бобида теран ва чин қомусий билимга эга эканлиги мутахассислар томонидан шак-шубҳасиз тан олинган. Масалан, бу борада устознинг 1963-йили нашр этилган «Мақомлар масаласига доир» номли монографик тадқиқоти фикримизнинг далили бўла олади. Ушбу салобатли илмий асар мазмунида жумладан, Шашмақом мажмуаси дастлаб касбий (сарой) мусиқасида кенг ўрин тутган.



¹ * Фитрат А. Ўтбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993,3-бет.

** Исҳоқ Ражабовнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини ўрганишда куйидаги ишлар тўғрисида сўзлашадиган: Юнусов Р. Исҳоқ Ражабов XX аср мақом алломаси Тўплам. Санъатшунослик масалалари. Т., 1998; Орилов З. Устоз ва олим. «Ражабийхонлик» илмий-амалий анжуман матери- аллари. Т., 1994.

Ўзбекистонда мақом санъати чолғу ва ашула йўллари ва туркумлари - Бухоро “Шашмақоми”, “Хоразм мақомлари” ва “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” туркумлари, шунингдек, унинг локал туркумлари - Фарғона “Сурнай мақом йўллари”, Хоразм “Дутор мақом туркуми”, “Феруз” туркуми ва бошқалар бор. Албатта мақомлар кўп асрлик тарихий йўлга эга. Мақом ўзига хос анъаналар ҳамда тизимларга асосланган, маҳаллий услубларнинг ўзаро изчил боғланишларидан юзага чиққан. Мақомларнинг алоҳида услубларининг ибораларидан бошлаб, ўзига хос бетакрор хусусиятларигача бўлган томонлари ҳар бир тарихий даврнинг бадиий-эстетик ғоялари остида шаклланиб келган. VII-VIII асрларда илк бор халқ мусиқаси негизи ва маҳаллий профессионал ижрочилик анъаналарининг ривожини йирик туркумли жанрлар шаклланишига олиб келди. Буларга Борбод ижодига мансуб “Хусравоний” туркумидир. IX-X асрларда мақомсимон чолғу ва ашула –чолғу асар ва туркумлар ривожланади. XI-XIII асрлардан бошлаб, то XVII асргача Яқин ва Ўрта Шарқда “Дувоздахмақом” - 12 мақом туркуми кенг тарқалиб, мусиқа амалиётида қўлланиб келди. Мазкур туркумларга-Ушшоқ (ошиқлар), Рост (тўғри, мос келиш), Наво (куй, оҳанг), Бусалик (атоқли от-Абу Солиҳнинг олинган), Хижоз (пасттекислик), Хусайний (киши номи), Исфаҳон (шаҳарга нисбатан), Зирафкантёки Кучак (пастга сакраш, тушиш ва тўшак), Раҳовий (Рум шаҳарларидан бири), Зангула (кўнғирок, занг), Ироқ (мамлакат номига нисбатан), Бузург (катта, улуғ) каби мақомлар, шунингдек, олтига овоза (аваза, мақомларга жавоб ёки назира тарзида ишлатилган, масалан, Наврўз, Шаҳноз ва бошқалар) ва 24 шўбалар (мақомларининг шаҳобчалари, улар орасида Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ, Уззол, Муҳайяри, Сабо ва бошқалар) ўрин олган. XIV-XVI асрларда мақом тизими сифатида кенг тарқалган.

IX асрдан бошлаб мақомчилик санъати қонунларини шарҳлаш, асослаш, мусиқа назарияси ва амалиётига оид масалалар “мусиқий рисолаларда ўз аксини топди. Мусиқа илми, жумладан, мақомчилик санъати ривожига Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Қутбиддин Шерозий, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Нажмиддий Кавкабий, Дарвеш али Чангий каби мусиқа назарийчилари улкан ҳисса қўшганлар. Мақомларни тартиблашда, муайян тизимга тушуришда Урмавий ва Шерозийларнинг (XIII-XIV аср) хизматлари, айниқса, 12 мақом туркуми Яқин ва Ўрта Шарқ Озарбайжон халқлари мусиқа маданияти энг тараққий этган даври мусиқа илмида ва амалиётда қўлланиб келинганлиги ҳақида маълумотлар қимматлидир. XX асрда мақомчилик санъати ривожланиб, етук созанда-ю хонандалар ва бастакорлар ижоди ва репертуарларидан ўрин олди. Улар замонавий нота ёзувлари орқали тўпламлар сифатида нашр этилди, уларни назарий ва амалий ўзлаштириш ишлари амалга ошди. 1923-йили Бухорода “Шашмақом” рус

композитори ва фольклоршунос олими В.А.Успенский томонидан атоқли мақомдон-устозлар Ота Жалол Носиров ва Ота Ғиёс Абдуғанилардан ёзиб олинди ва тарихда биринчи бор. 1924-йили “Олти мусиқали поэма (Шашмақом)” номи билан Москвада чоп этилди. 30- йиллари В.Успенский ва В.Беляевлар “Фарғона-Тошкент мақом йўллари”, Е.Романовская “Хоразм мақомларининг чолғу йўллари”ни нотага олиб, нашр этишди. 1950-61- йиллари “Шашмақом” тўлиқ равишда 5 жилдлик тўпلام сифатида Б.Файзуллаев, Ш.Соҳибов ва Ф.Шаҳобовлар ёзувларида (В.Беляев таҳририда) Москвада нашр қилинди (тожик ва рус тилида). 1959-йилда “Шашмақом” Юнус Ражабий ёзувида ўзбек тилида “Ўзбек халқ мусиқаси” антологиясининг V жилдида (И.Акбаров таҳрири остида) чоп этилди. Мақомларни илмий тарихий ва назарий ўрганиш ишлари эса XX асрнинг 20 - йилларида шаклланди. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли (Бекжон Раҳматов) ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Матюсуф Харатов)ларнинг “Хоразм мусиқий тарихчиси” (1925-йил, араб алифбосида), В.А.Успенскийнинг “Ўзбекларнинг классик мусиқаси” (1927), Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” (1927-йил, араб алифбосида), Гулом Зафарийнинг ўзбек мусиқасига оид мақолалари ва “Фарғона-Тошкент устозларининг шажараси” (“Аланга” журнали, 1931 йил), Чўлпон мақолалари, Н.Мироновнинг “Ўзбеклар мусиқаси” ва “Ўзбеклар ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти ҳақида бошқа Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти ҳақида очерклар” (1931-йил) номли китоблар мусиқашунослик ва мақомшунослик тарихида янги бурилишнинг юзага келганлигидан далолат беради.

XX асрнинг 50-60 йилларида мақомчилик санъатини илмий ва амалий ўзлаштирилишида катта ижобий ўзгаришлар юз берди – бу борада Юнус Ражабий, Матниёз Юсуповларнинг мақом ёзувлари нашр этилди ва 1963 йилда Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” китоби соҳа илмига янгича асос солувчи дастлабки тадқиқотлардан бири бўлди. Китобда Ўрта аср мусиқий рисолаларида шарҳ этилган назарий масалалар билан мақомларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, “Шашмақом” ва бошқа мақом туркумлари тузилиши, ички қонунлари ва ижрочилик асослари батафсил тадқиқ этилди. 2007-йилда Исоқ Ражабовнинг “Мақомлар” номли йирик рисоласи YUNESKO томонидан нашр этилди. Ўтмишда анъанавий “устоз-шогирд” услуби бўйича мақомчилик санъати ўзлаштирилиб келинган бўлса, XX асрдан бошлаб, мусиқа таълим муассасаларида анъанавий ижрочилик, жумладан мақомчилик санъати услублари ўзлаштирилиб, юзлаб иқтидорли ёш мақом ижрочилари кашф этилмоқда. 2003 йил ноябрь ойида “Шашмақом” YUNESKO томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий маданий меъроси дурдонаси” деб, тан олинди. 2008-йили умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилди ва ушбу

ноёб халқимиз хазинаси нафақат сақлаш ва ҳимоя қилиш ва юксалишига олиб келмоқда.

Xulosa

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мақомларнинг келиб чиқшии масаласи мусиқашунпелик фанида баҳсли мавзулардан бири бўлиб, аксарият олимлар упарнинг куй негизларини тўғридан-тўғри араб-форс мусиқасига алоқадор, деб тахмин қилишар эди. Исҳиқ Ражабовнинг тадқиқотлари асосида эса мақомларнинг халқ мусиқаси пегизида вужудга келиши ҳақидаги илмий фаразлар нисбатан муқим тус олди. Устоз олимнинг теран кузатувларидан маълум бўлишича, мақом туркумлари “умуман халқ мусиқаси бойликлари базасида яратилган ва улар асосида доимо бойиб ва такомиллашиб боради ҳамда ўз навбатида халқ мусиқа маданияти тараққиётига баракали таъсир кўрсатади. Мақомлар - бу халқлар мусиқасининг классик услубидаги намуналаридир”, - дея таъкид этган сўзлари ўзида бир олам маъноларни мужассам этганлиги билан кишини лол қолдиради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хо'ягелдиёева, М. (2021). Music as a Science and its peculiarities. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*.
2. Хо'ягелдиёева, М. (2021). Dutar national instruments and performance methods. *Analytical Journal of Education and Development*, 1(06).
3. Qizi, K. M. E., & Ugli, C. S. N. (2022). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF POP ART AND ITS PLACE IN UZBEK MUSIC. *IJTIMOYIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 67-71.
4. Khojageldiyeva, M. E., & Sayfiddinova, S. A. (2022). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF THE WORD DUTAR AND METHODS OF ITS PERFORMANCE. *Экономика и социум*, (4-2 (95)), 211-214.
5. Хо'ягелдиёева, М. Musiqa madaniyati fanining mazmuni hamda musiqaning bola tarbiyasida tutgan o'rni. *International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education*.
6. Ходжагельдыева, М. Э., & Махрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.
7. Pardayevna, H. N. (2022). The role of club activities in the development of students' musical abilities in general education schools. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 10, 13-15.
8. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.

9. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.

10. Ходжагельдыева, М. Э., & Машрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.

11. Pardayevna, H. N. (2022). The role of club activities in the development of students' musical abilities in general education schools. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 10, 13-15.

12. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.

13. Ходжагельдыева, М. Э., & Машрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.

14. Kho'jageldiyeva, M. Factors for Increasing Students' Musical Competence in Music Culture Classes. *European Journal of Innovation in Nonformal Education*, 2(4).

15. Pardayevna, H. N. (2022). MUSIC LESSONS THROUGH SCHOOL AND EXTRACURRICULAR ACTIVITIES ARE WAYS TO INCREASE STUDENTS' COPING SKILLS. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMYIY JURNALI*, 2(3), 127-130.

16. Akramovna, S. S. (2021). Dutar National Instruments and Performance Methods. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMYIY JURNALI*, 1(6), 329-331.

17. Inomjonovna, R. I. (2022). INTERACTIVE GAMES IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS.

18. Inomjonovna, R. I. (2022). CHARACTERISTICS OF UZBEK FOLK APPLIED ARTS AND THEIR PLACE IN SOCIETY. *World scientific research journal*, 2(1), 29-32.

19. Inomjonovna, R. I. (2022). FINE ACTIVITIES ARE THE MAIN TOOL OF AESTHETIC EDUCATION OF CHILDREN AND THE RELATIONSHIP WITH OTHER ACTIVITIES. *World scientific research journal*, 2(1), 25-28.

20. Inomjonovna, R. I. (2022). METHODS OF FORMATION OF IMAGINATION, THINKING AND CREATIVE THINKING IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *World scientific research journal*, 2(1), 58-62.

21. Inomjonovna, R. I. (2022). FINE ACTIVITIES IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION AS A DEPARTMENT OF INTEGRATIVE CONTENT. *World scientific research journal*, 2(1), 63-66.

22. Рахматова, И. И. (2022). ПРОБЛЕМА СТРЕССА В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(4), 108-111.

23. Рахматова, И. И. (2022). ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ ПЕДАГОГА В СФЕРЕ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(4), 104-107.

24. Inomjonovna, R. I., & Erkinovna, E. N. (2023). SOCIAL PEDAGOGICAL FACTORS FOR PREVENTING AGGRESSIVE SITUATIONS CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATION. *Journal of new century innovations*, 12(2), 29-34.

25. Inomjonovna, R. I. (2022). CHARACTERISTICS OF UZBEK FOLK APPLIED ARTS AND THEIR PLACE IN SOCIETY. *World scientific research journal*, 2(1), 29-32.

26. Inomjonovna, R. I. (2022). THE IMPORTANCE OF AESTHETIC EDUCATION IN PRESCHOOL CHILDREN. *Journal of new century innovations*, 11(2), 104-108.

27. Рахматова, И. И. (2023). АРТ-ТЕРАПИЯ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ ЛЕЧЕНИЕ ДЕТЕЙ С ТРАВМАМИ (ВО ВРЕМЯ ВОЙНЫ, НАСИЛИЯ, СТИХИЙНЫХ БЕДСТВИЙ). *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(6), 192-198.

28. Рахматова, И. И. (2023). УЧЕНИЯ О ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА И ПРИРОДЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАСЛЕДИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(6), 207-215.

29. Rustamova, I. K., Abdullayev, R. A., & Xolmirzayeva, M. F. (2020). Study of depression and anxiety prevalence in patients undergoing acute myocardial infarction. *Вестник Казахского национального медицинского университета*, (2-1), 628-629.

30. Amanbayevich, K. E. (2022). PHYSICAL AND MENTAL PRINCIPLES OF PREPARING TRADITIONAL SINGERS FOR LARGE ASHULLA PERFORMANCE PROCESSES. *Scientific Impulse*, 1(4), 288-291.

31. Arzikulovich, N. E. (2022). METHODOLOGY OF DEVELOPMENT OF EXECUTIVE SKILLS IN THE NAY INSTRUMENT. *Scientific Impulse*, 1(4), 292-296.

32. Bakhritdinova, F., & Kangilbaeva, G. (2022, June). Features of the angiography of the eye bottom in patients with diabetic retinopathy. 24th European Congress of Endocrinology 2022.

33. Amanovich, K. E. (2022). TRADITIONAL SINGING AND TRADITIONAL MUSIC SKILLS. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(2), 206-210.

34. Inomjonovna, R. I. (2023). DEVELOPMENT OF CREATIVE COMPETENCE OF EDUCATORS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Journal of new century innovations*, 22(1), 125-129.

35. Inomjonovna, R. I., & Xolmirzayevna, X. N. (2023). TYPES, METHODS AND METHODS OF TEACHING VISUAL ACTIVITY KNOWLEDGE AND APPLICATION. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 14(3), 92-97.

36. Inomjonovna, R. I. (2023). FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF IMAGING SKILLS OF PRESCHOOL CHILDREN. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(5), 74-79.